Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ҳам китоб нашриёти ишини ва китоб савдосини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Китоб нашр этиш масалаларига бу қадар катта эътибор берилаётгани тасодифий ҳол эмас, албатта. Китоб нашриёлари оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан бир сафда туриб, партия ва ҳукуматнинг ҳозирги босқичдаги ички ва ташқи сиёсатининг туб масалаларини мамлакатимизнинг ўзида ва чет элларда мунтазам пропаганда қилмоқдалар. Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси амалга ошираётган жуда муҳим сиёсий тадбирларни ҳамда ялпи тинчлик ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун, жаҳон социализм системаси позицияларини мустаҳкамлаш учун бу тадбирларнинг тутган аҳамиятини ҳам айни бир вақтда узоқ истиқболни кўзлаб, мунтазам пропаганда қилмоқдалар.

Адабиётчилар, китоб нашриётлари, полиграфчилар ва Ўзбекистон китоб савдоси ходимлари идеология фронти етакчиларининг сафидан муносиб ўрин олаётирлар. Республиканинг саккизта китоб нашриёти ҳар йили қирқ миллион нусхадан зиёд тираж билан икки мингдан кўпроқ китоб ва рисола чоп этаётир. Бу нашрларнинг талай қисмини ижтимоий-сиёсий мавзудаги китоб ва рисолалар ташкил этади.

Китоб фақат мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга унинг ташқарисида ҳам кўп тарқалиб, оммалашиб бораётганлиги Ўзбекистонда нашр этилаётган китобларнинг нуфузи ортиб бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон нашриётларининг муҳри билан чиқарилган китоблар ҳозирги вақтда чет эллардаги саксон битта китоб савдоси фирмалари номига жўнатиляпти. Ўзбекистон ССРда нашр этилган китобларнинг экспонатлари сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бошқа қардош республикалари чоп этган китоблар қаторида деярли барча халқаро кўргазмалардан ўрин олди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг китоб, газета, журналлар, плакатлар ва тасвирий санъат асарларини бадиий жиҳатдан яхши безаш ва матбаадан сифатли чиқариш учун республикалараро анъанавий конкурс натижалари ҳам Ўзбекистон ноширлари ва полиграфчилари қўлга киритаётган ютуқларни кўрсатмоқда. Биринчи даражали ўн учта диплом, иккинчи даражали 31 та диплом ва 40 га яқин рағбатлантириш ёрлиқларини олишга сазовор бўлиб, Ўзбекистон XII Республикаларо конкурсда биринчи ўринни эгаллади. Республикамизда чоп этилган кўпгина китоблар Бутуниттифоқ конкурслари ва Халқаро конкурсларининг дипломларини олишга муяссар бўлди.

Республика аҳолисига 1973 йилда 22 миллион 878,1 минг сўмлик китоб сотилди.

Республикамизда китоб магазинлари тобора кўпайяпти. 1974 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистонда беш юздан кўпроқ китоб магазини, икки мингдан кўпроқ китоб дўкони ва киоскаси, икки юздан кўпроқ автомобиль лавкалари ишлаб турди.

Республикадаги Фарғона область китоб савдоси Кўқон филиали, Тошкент область китоб савдоси магазинларининг китоб савдо қилувчи илғор коллективлари китоб тарқатишнинг илғор шакл ва усулларидан кенг фойдаланмоқдалар. Билим хазиналарини китобхонларга кенг очиб қўйиш, халқ магазинлари, жамоатчилик асосида китоб тарқатувчилар институти шохобчаларини барпо этиш, мамлакатнинг китоб савдо қилувчи ташкилотлари билан амалий алоқа ўрнатиш ана шулар жумласидандир.

Жамоатчилик асосида китоб тарқатаётган мингга яқин кишли ўзларининг бутун бўш вақтларини шу севган ишларига сарфлаётирлар. Бу кишилар ҳамиша заводлар ва фабрикаларнинг, қурилиш майдончалари, дала шийпонлари, мактаб ва олий ўқув юртларининг азиз меҳмони сифатида кутиб олинаётирлар. Жамоатчилик асосида китоб тарқатувчиларнинг кучи билан ўтган йили қарийб икки миллион нусха китоб сотилди. Республикамизда китоб ҳаваскорлари харакати тобора кенг қулоч ёймоқда. Тошкентдаги китоб ҳаваскорлари клубининг правлениеси бу жиҳатдан ибратли иш қилмоқда. Правлениега Тошкент Давлат педагогика институти библиография кафедрасининг мудири Г. Н. Чабров раҳбарлик қилаётир. Суҳбатлар ўтказилиши, лекциялар ўқилиши, ёзувчилар ва атоқли маданият арбоблари билан учрашувлар ташкил этилаётганлиги туфайли китобхонларнинг катта аудиторияси тўпланаётир.

Республикамизда тузилган китоб ҳаваскорлари Кўнгилли жамияти айни шу мақсадни ўз олдига қўйган. Куни кеча таъсис съезди очилди. Унинг делегатлари китоб ҳаваскорлари Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти Устави лойиҳасини муҳокама қилдилар, жамият раҳбар органларини, Бутуниттифоқ таъсис съезди делегатларини сайладилар.

Бу янги жамият олдига қандай вазифалар қўйилмоқда? Китоб ҳаваскорлари Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти Устави лойиҳасида бу вазифалар батафсил баён қилинган. Жамият меҳнаткашларда адабиётга ҳавас уйғотиши, китобхонларнинг истак-ҳоҳишларини камол топтиришга актив таъсир ўтказиши, китобхонлик маданиятини оширишга ёрдам бериши керак. Биз китоб ҳаваскорлари жамияти, булардан ташқари, китоб фондлари ва чиқарилаётган нашрлар тўғрисида ахборот системасини яхшилашга актив ёрдам беради, республикамизда китоб ейирбошлашни тағин ҳам жадаллаштиришга эришади, деб ҳисоблаймиз. Чунки жамиятнинг вазифаларидан бири — китоб нашр этиш ва кутубхоначилик ишини такомиллаштиришдан, китобхонларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганишдан, библиография иши ва китоб савдосини янада ривожлантиришдан ҳам иборат бўлмоғи керак.

З. ЕСЕНБОЕВ,
Узбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг раиси.

Ахборот Янгиликлар Хабарлар

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

МОСКВА

БЕРУНИЙ ШАРАФИГА

Яқинда буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний туғилган кунинг 1000 йиллиги шарафига Афғонистон алоқа министрлиги чиқарган почта маркасини олдик. Мутафаккир олимнинг портрети жуда нафис ишланган. Марка совет рассоми Малик Набиев чизган расм асосида чоп этилган.

Жазоир, Покистон ва бошқа айрим мамлакатларда ҳам Беруний юбилейига бағишлаб бир қанча маркалар чиқарилган эди.

И. ВАКС.

ОЛМАОТА

ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

Қозоғистондаги марказий Давлат музейи тарих, экономикага доир материаллар, маданият ва санъат тараққиёти тўғрисида маълумотлар йиғиш учун ҳар йили илмий экспедициялар ташкил этади. Яқинда учта ана шундай экспедиция иш бошлади. Музей ходимлари Оренбург, Актюбинск, Қизил Урда шаҳарлари, Мангқишлоқда бўлиб, Қозоғистонда революцион ҳаракат, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, шунингдек Оренбург — Тошкент темир йўли қурилиши тўғрисида тарихий материаллар тўплайдилар.

Ғ. МАРАЛБОЕВ.

ЛЕНИНОБОД

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Қардош Тожикистоннинг Ленин шаҳри марказидаги «Спартак» стадиони санъат мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси, Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган катта санъат байрами ўтказилди.

Икки қардош халқ санъати намойишида Узбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев, Тожикистон ССР халқ артисти Шоиста Муллажонова ва кўпгина истеъдодли ёшлар қатнашдилар. Улар Конибодом ва Исфара шаҳар меҳнаткашларига ҳам ўз санъатларини намойиш этдилар.

М. ИБРОҲИМОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

АНДИЖОН. Пахтачилик институтининг икки йиллик ижтимоий фанлар факультетини навбатдаги группа талабалари битириб чиқдилар. 90 нафар йигит-қиз асосий касбдан ташқари журналистика, лекторлик ва ҳуқуқшунослик ихтисосларини эгалладилар.

* * *

ТОШКЕНТ. Фармацевтика институтида яқинда илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда институт ўқитувчилари ва доришунос олимлар қатори Москвадаги Сеченов номли биринчи медицина институти ўқитувчиси, доцент Е. Збоева доклад қилди. Уч кунлик семинар чоғида фармацевтика ва доривор ўсимликларни ўрганиш бўйича юзга яқин илмий доклад тингланди.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ҲАФТАЛИГИ

КАНАЛЛАР ВОДИЙСИ

Ғимирлаган тирик жон бор-ки,— ҳаёти, тақдири бир оғиз сўз билан ифодаланган сувга боғлиқ. Одамларнинг бошини қовуштирган ҳам, кези келганда эса, қишлоқни-қишлоққа, акани-укага, ҳатто фарзандни отага тескари қилган ҳам шу нарса эди. Йўлини, ўзанини ўзгартириб, ям-яшил қишлоқларни, боғ ва экинзорларнинг жизғинагини чиқарган ҳам шу эди.

Ҳозирги авлод ўтмишда сув билан боғлиқ бўлган даҳшатли воқеаларни китоблардангина билади. Биз, ирригаторлар эндиликда сувга ташналик, деҳқоннинг фиғонини фалакка чиқарувчи сувсизлик барҳам топди, деб бемалол айта оламиз. Бунга чек қўйган воқеа — Октябрь тонги бўлди. Туркистонда суғориш ишларини яхшилаш ҳақидаги машҳур декрет бу борадаги дастлабки улкан қадам бўлди. Бу ҳаётбахш ҳужжат ўлкани ўзгартириб юборди.

Фурсатдан фойдаланиб, Фарғона области территориясида Улуғ Октябрь инқилобигача ирригация ишлари қай аҳволда эканлиги ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Чоризм ва маҳаллий феодаллар бизга суғориш системаси бобида бир-икки ярим йилгина усулдаги сув иншооти қолдирганди. Сойларнинг икки тарафи оқимнинг этагигача катта-катта даҳаналар билан тўлиб-тошиб кетганди. Техника ва механизм етти ухлаб тушигаям кирмаган деҳқоннинг бундан бошқа нимага қурби етарди? Масалан, Сўх сойининг ўзида 360 та тармоқ мавжуд эди. Исфайрам—Шоҳмардон сойларида эса, 180 даҳана бор эди. Одамларнинг куни шу тупроқ ариқларга, емирилиб, ювилиб, ўпирилиб кетадиган шу хилдаги тармоқларга қолганди. Катта-катта майдонларни зах босганди, ботқоққа айланиб кетганди. Ана шундай аҳволга барҳам бериб, ирригация-мелиорация ишларини кескин яхшилаш — кун тартибидаги муҳим масалалардан бўлиб турарди. Дарҳақиқат, республикада, жумладан Фарғона областида ҳам бу борада ғоят катта тадбирлар амалга оширила бошланди. 1939 йилда қурилган Лоғон канали областдаги биринчи ҳаёт артерияси эди. Атоқли давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан барпо бўлган 15 километр узунликдаги, 3,5 минг гектар ерни суғорадиган бу канал халқнинг куч-ғайрати туфайли 17 кунда битди. Лоғон канали — янги, йирик ҳаёт артериялари барпо этишнинг дебочаси бўлди. Шундан кейин 1939 йилнинг августида жаҳонга овоза бўлган Катта Фарғона канали қурилиши бошланиб кетди. Узунлиги 275 километр бўлган, бутун водийни, қолаверса, қардош Тожикистон далаларини сув билан таъмин этадиган бу канал қурилиши — умумхалқ ишига айланиб кетди. Канал қурилишига 165 минг киши чиқди, иш асосан қўл кучи билан бажарилди. Сувга, об-ҳаётга ташна халқ оғир, мураккаб ишни муваффақиятли адо этди. Канал 45 кун ичида битказилди. Канал 261 минг гектарга сув бериб, меҳнат аҳлининг эзгу тилагини рўёбга чиқарди.

Фарғона деҳқонлари мазкур канал қурилишида фидоийларча меҳнат қилган мутахассисларни ҳали-ҳали мамнуният билан эслашади. П. И. Чуров, И. Ф. Федодеев, З. Ғаниев, П. И. Канайкин ва бошқа истеъдодли мутахассислар канал қурилишида хизмати кўп сингган ирригаторлардир.

Канал қуришдаги тажрибаларимиз галдаги ишларимизда ҳам қўл келди. Кирқинчи йилда эса, Жанубий Фарғона каналини қуриб битирдик. Ҳозир бу канал Қува, Олтиариқ, Охунбобоев районларини суғоради. 1968 йилга келиб эса, яна ғоят катта бир ишга — Катта Андижон канали қурилишига қўл урилди. Водий областларининг Марказий Фарғона ерларидаги 140 минг гектар ерини суғорадиган бу канал етмишинчи йилда битказилди. Бу ҳаёт қон томири туфайли неча ўн минглаб янги ерлар ўзлаштирилди ва ўзлаштирилмоқда.

Халқимиз сувни гавҳар деб айтади. Жуда ҳаққоний гап. Шунинг учун ҳам биз ҳар грамм сувнинг қадрига етиш учун курашяпмиз. Каналларни бетонлаштириш — бу борада олиб бораётган муҳим ишларимизнан биридир. Шу кунларгача биз 450 километр масофадаги каналларга «бетон либос» кийдирдик. Шу туфайли 750 миллион куб метрдан кўпроқ сув тежаб қолинди. Бу ҳазилакам гап эмас. Бу хайрли ишни давом эттирмоқдамиз.

Каркидон сув омбори қурилиши эса, нур устига нур бўлди. 210 миллион куб метр сув сақлайдиган бу йирик иншоот 1967 йилда ишга туширилди. Мазкур сув омбори шарофати билан Қува, Тошлоқ, Охунбобоев, Фарғона районлари ва Қувасойдаги пахтакор хўжаликларнинг 60 минг гектар ерларини суғориш яхшиланди.

Биз ирригация-мелиорация ходимларининг иш қўламимиз кенг ва ранг-баранг. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, пахтакорларнинг оғирини енгил қилиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири саналади. Областда захини қочириш зарур бўлган майдонлар ҳам, талайгина. Шу мақсадда 10 минг километрдан кўпроқ ерда очиқ коллекторлар қазиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиладик. Аммо, бу борада қилиниши керак бўлган ишларимиз ҳали кўп. Ерларнинг захини қочиришда тик зовурлар айниқса яхши натижа беряпти. Ҳар бир тик зовур 80-120 гектаргача майдоннинг захини қочиряпти. Ҳозиргача область районларида 88 та ана шундай дренажлар қурилиб, 22 минг гектар майдоннинг захи кетказилди. Шуни ҳисобга олиб, биз область кумуш камарлари ёнига янги, қўшимча сув манбаларини ҳам қўшиш тадбирларини кўряпмиз. Бу ҳам бўлса, ер ости сувларини насослар воситасида тортиб олишдир. Кейинги икки-уч йил ичида 180 та ана шундай қудуқ-насослар қурилди. Бу, ер остидан 6-8 куб метр сув олиниб, 18-20 минг гектар ер суғориляпти деганидир. Бу йил яна 60 насос-қудуқ ва 89 вертикал зовурлар қазиладики, бу хўжаликларни сув билан таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Сирдарё, Исфайрам ва Шоҳмардон сойлари, Катта Фарғона каналида қурилган насос станциялари ҳам пахтакор хўжаликларга катта наф келтирмоқда.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топгандан буён, жумладан Фарғона областида ҳам ирригация-мелиорация бобида қилинган ишлар, таъкидлаб ўтганимиздек, жуда катта. Кейинги йилларда биз асосий ишларни механизация зиммасига юкладик. Шунга қарамасдан қилинадиган ишларимиз ҳали кўп. Областда сув таъминотини янада яхшилаш бобида реал планларимиз бор. Шулардан бири Кампирравот сув омборидан (Андижон) сув оладиган 180 километрлик канал қуришдир. Қардош Қирғизистон билан ҳамкорликда бунёд этиладиган бу канал областнинг Фарғона ва Қувасой районлари хўжаликларини сув билан таъминлашни яхшилайди. Бундан ташқари яқин келажакда 350 миллион куб метр сув сақлайдиган Сўх сув омбори ҳам қурилади. Бу йирик иншоотнинг ишга тушиши областнинг Қўқон группа районларини сув билан таъминлашни кескин яхшилайди.

Ирригация бобида областимизда ярим асрда қилинган ишлар ҳақиқатан ҳам катта ва қувончлидир.

Қ. РАСУЛОВ,
Фарғона область Суғориш системалари бошқармаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган ирригатор.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Қувноқ пионер ёзи. 18.25 — «Ахборот». 18.40 — **СССР Олий Советига сайловлар олдидан.** 19.00 — Концерт. 19.35 — «Ахборот». 19.55 — МОСКВА. **Москва шаҳар Ленинград сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Н. В. Подгорний билан учрашуви.** 22.15 — «Вақт». 22.30 — **Футбол: БРАЗИЛИЯ — ЮГОСЛАВИЯ. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — ТОШКЕНТ. Телефильм. 11.25 — **Қувноқ воқеалар** (бадиий фильм). 18.55 — МОСКВА. 19.00 — Телефильм. 19.25 — Пионер концерти. 19.55 — ТОШКЕНТ. **«АЗИМУТ».** 20.25 — Илмий-оммабоп фильм. 21.15 — Адабий кўрсатув. 21.45 — Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин! 22.15 — Ҳужжатли фильмлар экрани. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Концерт. 20.00 — **«Ешлик»** студияси кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VI да **Парвона**, 14/VI да **Комиссия**, 15/VI да **Парвоз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/VI да **Замонали ва Омонали** 14/VI да **Хонума хонум** 15/VI да **Жоним фидо**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қумуш кўл хазинаси — «ЧАЙКА». «ВОСТОК», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сен билан ва сенсиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ». «МОСКВА», ҲАМЗА номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғирт ёлғончи — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИ номли, С. РАҲИМОВ номли, Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Ёвуз — ҲАМЗА номли (11.00).

Шляпангни олиб, бўса ол! — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун.)

ЁЗГИ БИНОДА

Қумуш кўл хазинаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

Сен билан ва сенсиз — «ХИВА».

А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КУРОРТОЛОГИЯ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ташкилий-методик бўлим раҳбари (фан докторя ёки кандидати);

катта илмий ходимлар (фан докторлари ёки кандидатлари; кардиология, неврология группаларига; бальнеофизиотерапевтик клиника бўлимига;

кичик илмий ходимлар: ташкилий-методик бўлимига, курорт ресурсларини ўрганиш ва излаш лабораториясига (химию), экспериментал курортология ва физиотерапия лабораториясига, бальнеофизиотерапевтик клиника бўлимига, клиник-функционал тадқиқотларнинг лабораторияси бўлимига.

КОНКУРС МУДДАТИ — 1 ИЮЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент—ГСП, Хуршид кўчаси, 13-уй.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги коллегияси ва партия комитети ички ишлар органининг нексa ходими, 1918 йилдан буён КПСС аъзоси

Саидмурод **ТОШХУЖАЕВ**нинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноатининг Илмий-тадқиқот институти ва Тажриба заводи коллективлари катта илмий ходим, техника фанлари кандидати

Марат Каримович **ТОЛИБЖОНОВ**нинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ҲОДИСА

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

Черданцев кўчаси бўйлаб келаётган грейдер ҳамманинг диққатини ўзига тортди. У кўчанинг гоҳ у, гоҳ бу томонига ўтиб кетарди. Грейдер кўчанинг чеккасидаги бир неча туп ниҳолни босиб кетди. Сўнгра автобус бекатида турган йўловчилар томон штоб билан юра бошлади. Йўловчилар ўзларини чаққонлик билан четга олишди. Ҳайдовчининг эса парвойи палак эди. Унинг мастлигини пайқаган шофер М. Мансуров эпчиллик билан грейдернинг устига сакраб чиқдида тормозини босиб уни тўхтатди.

Актив жамоатчилиги ва меҳнатсеварлиги билан ўзи ишлаётган коллективда обрў-эътибор қозонган М. Мансуров бу ўринда дадиллик кўрсатиб иш тутди. Грейдерни тўхтатиб қолиш билан йўловчи қалин бўлган жойда фалокатнинг олдини олди.

Грейдер ҳайдовчи Ф. Ҳайдаршин Братск кўчасидаги Механизациялашган қурилиш трестининг 1-бошқармасида ишлайди. У спиртли ичимликни истеъмол қилиши туфайли коллектив назаридан четда қолмоқда. У ўша куни маст ҳолда грейдерни ҳайдаб келаверган.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлган йўловчилар Мансуровга катта раҳмат айтишди. Айбдор Ф. Ҳайдаршин эса қилмишига яраша жазосини олади.

А. ШПАК,
Куйбишев район ички ишлар бўлими милиция майори.

ПИРУ-БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

105 баҳорни кўрган она

Хўжайлининг эски шаҳрида истиқомат қилаётган Омонбека она Биембетова 105 баҳорни қаршиладi. Онахонни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У икки дунё — Улуғ Октябрь революциясидан олдинги ва янги барпо этилган фаровон гурмушни кўрган. Ҳар иккаласини бир-бирига таққослаб сўзлаб беради.

— Октябрь революцияси ғалаба қилганда, — дейди у, — мен 48 ёшда эдим. Ҳурриятнинг порлоқ нури бойлар қўлида эзилиб келганларга бахт-саодат келтирди. Совет ҳокимияти ўрнатилган кундан бошлаб Амунинг қуйи этакларида ёркин ҳаёт бошланди. Бунга фақат партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли эришдик.

Аср ёшидан ошган табаррук аёл ҳали тетик. Унинг икки қизи, бир ўғли бор. Катта қизи Жипак Биембетова 78, кичик қизи Хожар 74 ёшда. Ўғли Тажед эса 62 ёшда, меҳнат, ҳаёт ғаштини сураётган пенсионер. Унинг икки ўғли, икки қизи, олти невараси бор. Омонбека онанинг 60 дан ортиқ невара, авара ва чевараси бор.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«Совет Ўзбекистони» газетасига 1974 йилнинг биринчи ярми учун обуна муддати 1 июлда тугайди. Агар сиз республикамиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги улкан ўзгаришлардан, ер юзида рўй бераётган воқеалардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истасангиз, йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна бўлишни унутманг.

Обуна барча алоқа бўлимлари ва «Союзпечать» агентликлари томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси олти ойга 3 сўм, уч ойга 1 сўм 50 тийин, бир ойга 50 тийин.

Йилнинг ўтган беш ойи мобайнида газетанинг 126 сони чиқди. Газетани ўз вақтида етказиб беришни янада яхшилаш мақсадида сиздан қуйидаги маълумотларни юборишни сўраймиз. Йилнинг биринчи ярмида газетамизнинг қайси сонлари чиққан куннинг ўзида сизга етиб борди, қайсилари эртаси куни олиб борилди?

Ўз жавобларингизни яшаш жойингизга хизмат қиладиган почта бўлими индексини қўшиб ёзган ҳолда қуйидаги адресга хабар қилсангиз: 700000, Тошкент ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти, матбуот тарқатиш бўлими.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1974–1975 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БЕКОБОД ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Проезжая кўчаси, 2- уй).

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, металл ишлаш станоклари ва автоматик линияларни монтаж қилиш ҳамда уларни эксплуатация қилиш, ёпиштирувчи материаллар технологияси, керамика технологияси, иссиқлик электр станцияларининг буғ генераторлари ва турбина қурилмалари, металл бўлмаган ҳимоя қопламалари:

Кечки ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, иссиқлик электр станцияларининг буғ генераторлари ва турбина қурилмалари, металл ишлаш станоклари ва автоматик линияларни монтаж қилиш ҳамда уларни эксплуатация қилиш, ёпиштирувчи материаллар технологияси, керамика технологияси, электр станциялари, тармоқлари ва системалари:

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналар билан жиҳозлаш, керамика технологияси.

ҚУҚОН КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

(К. Маркс кўчаси, 45-уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга: биноларнинг техник эксплуатацияси, газ хўжалиги, сув таъминоти, саноат ва оқар сувларни канализация қилиш ва тозалаш, водопровод ва канализация тармоқлари ҳамда иншоотлар қурилиши, коммунал хўжалик корхоналарида планлаштириш:

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Бабушкин кўчаси, 4- уй).

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари, кабель ва симлар ишлаб чиқариш, ҳисоблаш ва ҳисоблаш-аналитик машиналарининг эксплуатацияси ҳамда уларни ремонт қилиш, контроль ва автоматика системаларини монтаж қилиш ва созлаш, электрон-ҳисоблаш машиналари, асбоблари ва қурилмалари;

Кечки ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, кабель ва симлар ишлаб чиқариш, ярим ўтказгичли асбобларни ишлаб чиқариш, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари;

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари.

ТОШКЕНТ КИНО ТЕХНИКУМИ

(Ленинград кўчаси, 19-уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга: кино ускуналари ва уларнинг эксплуатацияси.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ ТЕХНИКУМИ

(К. Маркс кўчаси, 25- уй).

Кундузги ўқишга: фойдали қазилмаларни бойитиш, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, нодир ва рангли оғир металлар металлургияси, рангли металлургия заводларининг ускуналари, қора металларни қуюв ишлаб чиқариши;

Кечки ва сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, нодир ва рангли оғир металлар металлургияси, қора металларни қуюв ишлаб чиқариши.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Навоий кўчаси, 32-уй).

Кундузги ўқишга: архитектура, саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, инженерлик геодезияси, сув таъминоти, саноат ва оқар сувларни канализация қилиш ва тозалаш:

Кечки ўқишга: архитектура, саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш:

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

ТОШКЕНТ СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Ш. Руставели кўчаси, 25-уй).

Кундузги, кечки ва сиртқи ўқишга: саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, таом тайёрлаш технологияси.

НАМАНГАН ТУҚИМАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(2- микрорайон).

Кундузги ўқишга: тўқувчилик ишлаб чиқариши, ип-йигирув ишлаб чиқариши, газмолларни безаш, тикувчилик ишлаб чиқариши, тўқимачилик корхоналарининг машиналари ва ускуналари, чиллакашлик ва ипак эшиш: тўқимачилик корхоналарида планлаштириш:

Кечки ўқишга: тўқувчилик ишлаб чиқариши, тикувчилик ишлаб чиқариши, ип-йигирув ишлаб чиқариши;

Сиртқи ўқишга: тикувчилик ишлаб чиқариши.

ТАХИАТОШ САВДО-ИҚТИСОД ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Тахиатош шаҳри, «Ғалаба» хиёбони, 34-уй).

Кундузги ўқишга: саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, бухгалтерия ҳисоби, совет савдосида планлаштириш.

ЯНГИЙЎЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Виноградная кўчаси, 45-уй).

Кундузги ўқишга: гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси, ачитқи ишлаб чиқариш, виночилик технологияси, ўсимлик мойлари ва уларнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар технологияси, кондитер ишлаб чиқариши, нон пишириш корхонаси.

БУХОРО КОН-ГЕОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

(Ульянов кўчаси, 26-уй).

Кундузги ўқишга: нефть ва газ конлари геологияси ва уларни қидириш, қудуқларни текширишнинг геофизик методлари, бухгалтерия ҳисоби.

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Куйбишев кўчаси, 10уй).

Кундузги ўқишга: металларни қирқиб ишлаш, асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат ускуналарини тузатиш ва монтаж қилиш: самолётсозлик, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш:

Кечки ўқишга: металларни қирқиб ишлаш, асбобсозлик ишлаб чиқариши, самолётсозлик, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш:

Сиртқи ўқишга: асбобсозлик ишлаб чиқариши, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Пролетар кўчаси, 26-уй).

Кундузги ўқишга: тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм буюмлар технологияси, трикотаж ишлаб чиқариш, чарм, пойафзал ва мўйна корхоналарининг ускуналари, мебель ишлаб чиқариш, пойафзалларни моделлаштириш ва чармни бадиий безаш, кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш, чарм технологияси, тикувчилик фабрикаларининг машиналари ва ускуналари, ёғочсозлик саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари:

Кечки ўқишга: ип-йигирув ишлаб чиқариши, тўқувчилик ишлаб чиқариши, тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм буюмлар технологияси, тикувчилик фабрикаларининг машиналари ва ускуналари, мебель ишлаб чиқариш:

Сиртқи ўқишга: тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм буюмлари технологияси, мебель ишлаб чиқариш.

АНДИЖОН АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Андижон область, Шаҳрихон шаҳри).

Кундузги қишга: металларни қирқиб ишлаш, саноат ускуналарини тузатиш ва монтаж қилиш, самолётсозлик, самолётлар ва авиадвигателларнинг техник эксплуатацияси.

МАРҒИЛОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Ўзбекистон 25 йиллиги кўчаси, 173-уй).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, металл ва темир-бетон конструкцияларини монтаж қилиш;

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

УРГАНЧ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Ленин кўчаси, 20- уй).

Кундузги ўқишга: биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, саноат ва граждан қурилиши, газ хўжалиги;

Кечки ва сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

БУХОРО ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Промишленная кўчаси, 26- уй).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, металл ва темир-бетон конструкцияларини монтаж қилиш: биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши;

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

АНДИЖОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Свобода проспекти, 193-уй).

Кундузги ўқишга: қурилиш машиналари ва ускуналари, саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, металл конструкцияларини тайёрлаш, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши;

Кечки ўқишга: қурилиш машиналари ва ускуналари: саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш:

Сиртқи ўқишга: қурилиш машиналари ва ускуналари, саноат ва граждан қурилиши.

ПАЧКАМАР ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Қашқадарё область, Ғузор район, Пачкамар посёлкаси).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

СОВЕТОБОД ҚУРИЛИШ-МЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё область, Гагарин район. «Советобод» совхози).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

ОҲАНГАРОН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Оҳангарон шаҳри, Восточная кўчаси, 2- уй).

Кундузги ўқишга: қурилиш материаллари саноатида планлаштириш:

Кундузги ва кечки ўқишга: қурилиш материаллари саноати машиналари ва ускуналари, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, пластмасса буюмларининг технологияси.

ТЕРМИЗ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Диагональний проезди, 6- уй).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш.

НУКУС ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Муқимий кўчаси).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши;

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши;

Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

МАРҒИЛОН ПЛАН-ИҚТИСОД ТЕХНИКУМИ

(Ишчи болалар кўчаси, 10-уй).

Кундузги ўқишга: енгил саноат корхоналарида планлаштириш, қурилишда планлаштириш, савдода бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоблаш ишлари ва ҳисоблашни механизациялаш, статистика;

Сиртқи ўқишга: бухгалтерия ҳисоби, савдода бухгалтерия ҳисоби, қурилишда планлаштириш.

АНДИЖОН ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

(Киров кўчаси, 23-уй).

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, пайвандлаш технологияси, саноат корхоналарининг электр ускуналарини монтаж қилиш:

Кечки ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, пайвандлаш технологияси;

Сиртқи ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш.

АНДИЖОН ПАХТА ТОЗАЛАШ ТЕХНИКУМИ

(М. Горький кўчаси, 14-уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга: пахтани дастлабки ишлаш ускуналари ва технологияси, пахта товаршунослиги;

Кундузги ўқишга: тикувчилик ишлаб чиқариши.

НУКУС ЭНЕРГЕТИКА ТЕХНИКУМИ

(М. Горький кўчаси, 179-уй).

Кундузги ўқишга: саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, электр станциялари, тармоқлари ва системалари;

Сиртқи ўқишга: электр станциялари, тармоқлари ва системалари.

САМАРҚАНД ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНИКУМИ

(Огалик кўчаси, 2- уй).

Кундузги ўқишга: саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари, нон пишириш корхонаси, консервалаш технологияси, сут маҳсулотлари технологияси, озиқ-овқат саноати корхоналарида планлаштириш, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари, таом тайёрлаш технологияси:

Кечки ўқишга: нон пишириш саноати, озиқ-овқат саноати корхоналарининг машиналари ва ускуналари, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари, таом тайёрлаш технологияси:

Сиртқи ўқишга: озиқ-овқат саноати корхоналари машиналари ва ускуналари, нон пишириш саноати, консервалаш технологияси, таом тайёрлаш технологияси, совутиш-компрессор машиналари ва қурилмалари.

ЛЕНИНСК СОВЕТ САВДОСИ ТЕХНИКУМИ

(Ленинск шаҳри, Киров кўчаси, 11- уй).

Кундузги ва сиртқи ўқишга: саноат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик, озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш ва товаршунослик;

Кундузги ўқишга: бухгалтерия ҳисоби, савдода бухгалтерия ҳисоби.

ЧИРЧИҚ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИ

(Юқори Социалистик шаҳарча, Коммунистическая кўчаси, 2- уй).

Кундузги ўқишга: минерал ўғитлар ва ноорганик моддалар технологияси, электр станциялари, тармоқлари ва системалари, қишлоқ хўжалик машиналари, электр машинасозлиги, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, сув, ёнилғи ва мойлаш материаллари технологияси, металларни қирқиб ишлаш, аналитик химия, электр узатиш линияларини қуриш ва монтаж қилиш, электротеплотехника ўлчовлари:

Кечки ўқишга: электр станциялари, тармоқлари ва системалари, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, металларни қирқиб ишлаш, минерал ўғитлар ва ноорганик моддалар технологияси;

Сиртқи ўқишга: электр станциялари, тармоқлари ва системалари, саноат корхоналари ва қурилмаларини электр ускуналари билан жиҳозлаш, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар ва ноорганик моддалар технологияси.

НАМАНГАН ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Уйчи район, Жийдакапа қишлоқ совети).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши.

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

(Навоий кўчаси, 30 «а»-уй).

Кундузги ўқишга: полиграфия машиналари ва ускуналари, брошюра-муқова ишлаб чиқариш технологияси, юқори печать технологияси, китоб товаршунослиги, текис печать технологияси, китоб ва журналларни техника жиҳатидан таҳрир қилиш, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш.

ГУЛИСТОН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Гулистон шаҳар, III-Интернационал кўчаси, 49-уй).

Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши;

Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.

СССР ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўрта махсус ўқув юртларига 30 ёшгача бўлган СССР гражданлари — йигит ва қизлар қабул қилинади. Кечки ва сиртқи ўқишларга саккиз синф ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумоти бўлиб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган кишилар ёшидан қатъи назар қабул қилинади.

Саккиз йиллик ёки етти йиллик умумтаълим мактабларини тугатган, шунингдек ўрта мактабни тугатмай қолган кишилар саккиз йиллик мактаб базасида тузилган группаларга қабул қилинадилар.

Умумтаълим ўрта мактабларини тугатганлар ўрта маълумотлилар группасига қабул қилинадилар.

СССР территориясида яшаётган бошқа давлатларнинг гражданлари ўрта махсус ўқув юртларига умумий асосларда қабул қилинадилар.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, умумтаълим мактабларини фахрий ёрлиқ ҳамда олтин ёки кумуш медаль билан битирганлар, саноат корхоналари, қурилишлар, совхозлар, колхозлар, муассасалар ва ташкилотлардан йўлланма билан келганлар, камида икки йил иш стажига эга бўлганлар ва ўқиш учун танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётганлар ҳамда Совет Армияси сафида хизматни (камида 2 йил) ўтаб қайтганлар ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Баъзи мутахассислик ва таълим формаларига кириш учун қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

Кечки ва сиртқи бўлимларга мутахассислик олиш ва малака ошириш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаетганлар қабул қилинади.

Балоғат ёшига тўлмаганларнинг меҳнат қилиши тақиқланган иш соҳалари бўйича мутахассисликларда саккиз йиллик мактаблар базасида тузилган кундузги ўқиш группаларининг биринчи курсига фақат ишлаб чиқариш практикаси давригача ўн саккиз ёшга тўладиганларгина қабул қилинадилар.

Баъзи кон-металлургия ва қурилиш ҳамда бошқа мутахассисликлар бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга биноан хотин-қизлардан қабул қилиш чекланади.

Ягона формали қабул ҳақидаги ариза танланган мутахассислик кўрсатилган ҳолда ўрта махсус ўқув юртининг директори номига ёзилади.

Сиртқи бўлимга кираётганлар кириш ҳақидаги аризани ўзлари яшаётган жойга яқин бўлган ўрта махсус ўқув юртининг маълум мутахассисликлари бўйича сиртқи бўлимига топширадилар.

Ариза билан қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, мактаб врачи ёки район шифохонаси берган 286-формадаги медицина справкаси, бош кийимсиз тушилган 3х4 сантиметр ҳажмдаги тўрт дона фотосурат;

Кечки ва сиртқи, шунингдек кундузги бўлимларга кираётганлар ишлаб чиқариш практикасига (икки йилдан кам бўлмаган стажга) эга бўлганлар корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари ёки кадрлар бўлимининг бошлиғи томонидан тасдиқланган меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ташкилотлардан берилган ягона формадаги нўлланмани ҳам ариза топшираетганларида қўшиб берадилар.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет (ҳарбий хизматни ўташга мажбур бўлган запасдаги кишилар) ёки ҳарбий рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (чақирув ешидагилар)ни шахсан кўрсатадилар ва булар ҳақида шахсий делога ёзиб қўйилади.

Ўрта махсус ўқув юртларига кираётганлардан аризалар қабул қилиш, кириш имтиҳонлари ва ўқувчилар составига қабул қилиш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

Кундузги ўқишга аризалар ҳамма ўрта махсус ўқув юртларига — саккиз йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига 31 июлгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача, ўқувчилар составига қабул қилиш 21 августдан 24 августгача: ўн йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига аризалар 14 августгача, кириш имтиҳонлари 1 августдан 21 августгача: ўқувчилар составига қабул қилиш 22 августдан 24 августгача;

Кечки ўқишга аризалар барча ўрта махсус ўқув юртларига 6 августгача, кириш имтиҳонлари саккиз йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига 1 июлдан 10 июлгача ва 7 августдан 14 августгача. ўқувчилар составига қабул қилиш 15 августдан 18 августгача; ўн йиллик мактаб ҳажмида маълумотга эга бўлганлар группасига аризалар 15 июндан 15 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 июлдан 20 ноябргача, ўқувчилар составига қабул қилиш 21 ноябрдан 24 ноябргача;

Сиртқи ўқишга аризалар барча ўрта махсус ўқув юртларига 10 августгача, кириш имтиҳонлари 10 июндан 20 июнгача; 10 июлдан 20 июлгача ва 10 августдан 20 августгача, ўқувчилар составига қабул қилиш 21 августдан 30 августгача.

Мавсумийлик характеридаги ишлар билан боғлиқ геология ва қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўлган техникум ҳамда билим юртларига аризалар 2 октябрдан 30 ноябргача, кириш имтиҳонлари 1 ноябрдан 15 декабргача, ўқувчилар составига қабул қилиш 16 декабрдан 25 декабргача ўтказилади.

Эслатма: кечки ва сиртқи бўлимларга кираётганлар кириш имтиҳонларини топшириш учун ўрта махсус ўқув юртининг чақириғига биноан ўзлари ишлаётган корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишган ҳолда маълум кунларгагина бир марта юборилардилар.

Ўрта махсус ўқув юртларига саккиз йиллик маълумот билан кираётганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, иқтисод, геодезия ва картография мутахассисликларига — рус тилидан (диктант), математикадан (оғзаки);

10 синф ҳажмида маълумот билан кираётганлар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, иқтисод, геодезия ва картография мутахассисликларига — рус тили ва адабиётидан (иншо), математикадан (оғзаки);

Химиявий технология, металлургия, озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, товаршунослик, шунингдек «Фойдали қазилмаларни бойитиш», «Ғазмолларни безаш», «Трикотаж молларни безаш», «Чарм технологияси», «Аналитик химия» мутахассисликларига — рус тили ва адабиётидан (иншо), химиядан (оғзаки);

«Китоб товаршунослиги» мутахассисликларига — рус тили ва адабиётидан (иншо), СССР тарихидан (оғзаки).

Ўқиш рус тилида олиб борилмайдиган ўрта махсус ўқув юртларида (бўлимларида) рус тили ўрнига шу ўқув юртида ўқиш қайси тилда олиб борилса, шу тилдан кириш имтиҳони топширилади.

Ўрта махсус ўқув юртида ўқиш олиб бориладиган тилни ўрганмаганлар ўз хоҳишлари билан рус тилидан ёзма (саккиз йиллик мактабни тугатганлар учун) кириш имтиҳони топширадилар.

Ундан ташқари ўқиш олиб бориладиган тил бўйича шу тилни билишини синаш учун суҳбат ўтказилади.

Ўрта махсус ўқув юртларига ўрта маълумот билан кираётганлар миллий ўрта мактаб программаси ҳажмида рус тилини ўрганган бўлсалар, иншо ўрнига ёзма иш ёки диктант ёзишлари мумкин.

«Архитектура», «Китоб ва журналларни техникавий таҳрир қилиш» — мутахассисликлари бўйича кираётганлар ўша мутахассисликлар бўйича қўшимча кириш имтиҳонлари топширадилар.

Мутахассисликлар бўйича имтиҳонлар биринчи навбатда олинади.

Ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлганлар мутахассислик буйича ўтказиладиган имтиҳонлардан озод қилинмайдилар.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишиларга ишлаётган жойидан маоши сақланмаган ҳолда ўн кун муддатга отпуска берилади. Бу отпускага ўқув юртига келиш ва қайтиш учун кетадиган вақт кирмайди.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01565. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 137.